



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI 2 - TOM, 3 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

УДК 616.12-008.46:616-036.865

СУРУНКАЛИ ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА ҲАЁТ СИФАТИ ВА УНИ БАҲОЛАШНИНГ КЛИНИК АҲАМИЯТИ

Абдухамидова Дилшода Халимовна

Самарқанд давлат тиббиёт университети «Оилавий ва превентив тиббиёт, жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлаш бошқаруви» кафедраси.

Телефон: +998 (90) 602-49-61

[Orcid id: 0009-0003-6066-5891](https://orcid.org/0009-0003-6066-5891)

e-mail E-mail: : dilisha1973@mail.ru

(Самарқанд, Ўзбекистон)



Аннотация

Мазкур тадқиқотда сурункали юрак етишмовчилиги билан оғриган беморларда ҳаёт сифати баҳоланди. Тадқиқотга 371 нафар бемор жалб қилиниб, функционал ҳолат Нью-Йорк кардиологлар ассоциацияси (NYHA) таснифи бўйича аниқланди. Ҳаёт сифати Миннесота сўровномаси, жисмоний фаоллик эса олти дақиқалик юриш синови ёрдамида баҳоланди. Натижалар функционал синф ошиши билан ҳаёт сифати кўрсаткичлари изчил равишда ёмонлашиб боришини кўрсатди. Беморларни энг кўп безовта қилган омиллар ҳансираш, тез чарчаш ва жисмоний фаолликнинг чекланиши бўлди. Олти дақиқалик юриш синови натижалари ҳаёт сифати кўрсаткичлари билан яқин боғлиқ эканлиги аниқланди. Ҳаёт сифатини баҳолаш сурункали юрак етишмовчилиги билан оғриган беморларнинг функционал ҳолатини аниқлаш ва даволаш самарадорлигини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга.

Калит сўзлар: сурункали юрак етишмовчилиги, ҳаёт сифати, NYHA, Миннесота сўровномаси, олти дақиқалик юриш синови.

КАЧЕСТВО ЖИЗНИ У ПАЦИЕНТОВ С ХРОНИЧЕСКОЙ СЕРДЕЧНОЙ НЕДОСТАТОЧНОСТЬЮ И КЛИНИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ЕГО ОЦЕНКИ

Абдухамидова Дилшода Халимовна

Самаркандский государственный медицинский университет

Кафедра семейной и превентивной медицины, общественного здоровья и управления здравоохранением.

Аннотация

В исследовании проведена оценка качества жизни пациентов с хронической сердечной недостаточностью. Обследован 371 пациент, функциональный класс определяли по классификации NYHA. Качество жизни оценивали с помощью Миннесотского опросника, физическую активность — по результатам теста шестиминутной ходьбы. Установлено, что по мере увеличения функционального класса показатели качества жизни прогрессивно ухудшаются. Основными факторами, снижающими качество жизни, являлись одышка,



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

быстрая утомляемость и ограничение физической активности. Выявлена тесная связь между результатами теста шестиминутной ходьбы и показателями качества жизни. Оценка качества жизни является важным компонентом комплексного обследования пациентов с хронической сердечной недостаточностью.

Ключевые слова: хроническая сердечная недостаточность, качество жизни, NYHA, Миннесотский опросник, тест шестиминутной ходьбы.

QUALITY OF LIFE IN PATIENTS WITH CHRONIC HEART FAILURE AND THE CLINICAL SIGNIFICANCE OF ITS ASSESSMENT

Abdukhamidova Dilshoda Khalimovna

Samarkand State Medical University, Department of Family and Preventive Medicine, Public Health and Healthcare Management.

Abstract

This study assessed the quality of life in patients with chronic heart failure. A total of 371 patients were examined, and functional status was evaluated according to the NYHA classification. Quality of life was assessed using the Minnesota Living with Heart Failure Questionnaire, while physical activity was measured by the six-minute walk test. The results demonstrated a progressive decline in quality of life with increasing functional class. Dyspnea, fatigue, and limitations in physical activity were the major factors affecting quality of life. A significant relationship was found between six-minute walk test performance and quality of life indicators. Quality of life assessment is an important component in the comprehensive evaluation of patients with chronic heart failure.

Keywords: chronic heart failure, quality of life, NYHA, Minnesota Living with Heart Failure Questionnaire, six-minute walk test.

Долзарблиги: Замонавий тиббиётнинг энг муҳим ва долзарб муаммоларидан бири юрак-қон томир касалликлари ҳисобланади. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, юрак-қон томир касалликлари дунё бўйича ўлимнинг асосий сабаби бўлиб қолмоқда. Ушбу касалликлар орасида сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) алоҳида ўрин тутди. СЮЕ турли этиологик омиллар таъсирида юзага келиб, юракнинг организм эҳтиёжларига мос равишда қон ҳайдаш қобилиятининг пасайиши билан тавсифланади. Натижада тўқима ва аъзоларнинг қон билан таъминланиши бузилади ҳамда кўплаб гемодинамик, нейрогуморал ва метаболлик ўзгаришлар ривожланади.

Сурункали юрак етишмовчилиги тиббий, ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган синдром ҳисобланади. Унинг тарқалиши аҳолининг қариши, юрак ишемик касаллиги, артериал гипертензия, қандли диабет ва бошқа сурункали касалликлар сонининг ортиши билан тобора кўпайиб бормоқда. СЮЕ билан оғриган беморларда меҳнат қобилиятининг пасайиши, ногиронлик ҳолатларининг кўпайиши, қайта-қайта госпитализация қилиш зарурати ва юқори ўлим кўрсаткичлари кузатилади. Шу сабабли мазкур патология нафақат клиник тиббиёт, балки жамият саломатлиги нуқтаи назаридан ҳам муҳим муаммо ҳисобланади.

СЮЕнинг клиник аҳамияти фақатгина ўлим хавфининг юқорилиги билан чекланиб қолмайди. Касалликнинг ривожланиши билан беморларда ҳансираш, тез чарчаш, жисмоний фаолликнинг чекланиши, уйку бузилишлари, эмоционал зўриқиш, депрессия ва хавотир ҳисси каби ҳолатлар юзага келади. Бу эса беморнинг кундалик ҳаётига, ижтимоий фаоллигига ва руҳий ҳолатига салбий таъсир кўрсатиб, ҳаёт сифатининг кескин пасайишига олиб келади.

Сўнгги йилларда тиббиётда бемор аҳволини баҳолашда фақат клиник ва лаборатор кўрсаткичларга эмас, балки унинг ҳаёт сифатига ҳам катта аҳамият берилмоқда. Ҳаёт сифати тушунчаси инсоннинг жисмоний, руҳий, ижтимоий ва эмоционал ҳолатини ўзи қандай



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

баҳолашини акс эттиради. Шу нуқтаи назардан қараганда, касалликнинг оғирлиги фақат инструментал текширув натижалари билан эмас, балки беморнинг ўзини қандай ҳис қилиши билан ҳам белгиланади.

Айрим тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, қон айланишининг оғир бузилишлари ва СЮЕнинг терминал босқичларида ҳаёт давомийлигидан кўра унинг сифати муҳимроқ аҳамият касб этади. Чунки бундай беморларда кундалик фаолиятнинг чекланиши, ташқи ёрдамга муҳтожликнинг ортиши ва ҳаётдан қониқиш даражасининг пасайиши кузатилади. Шунинг учун замонавий кардиологияда даволаш самарадорлигини баҳолаш мезонлари қаторига ҳаёт сифати кўрсаткичлари ҳам киритилган.

Ҳозирги кунда ҳаёт сифатини баҳолашнинг энг ишончли ва кенг қўлланиладиган усулларида бири махсус сўровномалар ёрдамида беморнинг ўз-ўзини баҳолаш усули ҳисобланади. Хусусан, сурункали юрак етишмовчилиги билан оғриган беморларда Миннесота сўровномаси (Minnesota Living with Heart Failure Questionnaire) кенг қўлланилади. Ушбу сўровнома касалликнинг жисмоний фаоллик, эмоционал ҳолат, ижтимоий муносабатлар ва кундалик ҳаётга таъсирини комплекс баҳолаш имконини беради.

Сурункали юрак етишмовчилигида ҳаёт сифатини ўрганиш касалликнинг бемор ҳаётига таъсир даражасини баҳолаш, функционал ҳолатни аниқлаш, даволаш самарадорлигини назорат қилиш ҳамда беморларнинг узоқ муддатли прогнозини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга. Шу муносабат билан СЮЕ билан оғриган беморларда ҳаёт сифатининг ўзгаришларини баҳолаш ва унга таъсир қилувчи омилларни ўрганиш замонавий кардиологиянинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Тадқиқот материаллари ва усуллари

Тадқиқот Самарқанд шаҳридаги бир қатор даволаш-профилактика муассасалари базасида олиб борилди. Тадқиқотга сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) ташхиси қўйилган 372 нафар бемор жалб қилинди. Беморларнинг ёши 45 ёшдан 65 ёшгача бўлиб, ўртача ёш кўрсаткичи $55,4 \pm 6,8$ ёшни ташкил қилди. Тадқиқотга киритилган беморлар клиник, лаборатор ва инструментал текширув натижалари асосида шакллантирилди.

СЮЕ ривожланишининг асосий этиологик омиллари таҳлил қилинганда, 112 нафар (30,1%) беморда юрак ишемик касаллиги (ЮИК), 233 нафар (62,6%) беморда артериал гипертензия (АГ) ҳамда 27 нафар (7,3%) беморда кардиомиопатия аниқланди. Назорат гуруҳини ёши ва жинси бўйича асосий гуруҳга мос келувчи 350 нафар амалда соғлом шахс ташкил қилди. Назорат гуруҳига юрак-қон томир тизими, нафас олиш тизими ва бошқа оғир сурункали касалликлари бўлмаган шахслар киритилди.

Жадвал. 1. Тадқиқот иштирокчиларининг умумий тавсифи

Кўрсаткич	n	%
Асосий гуруҳ (СЮЕ билан оғриган беморлар)	372	100,0
Юрак ишемик касаллиги (ЮИК)	112	30,1
Артериал гипертензия (АГ)	233	62,6
Кардиомиопатия	27	7,3
Назорат гуруҳи (амалда соғлом шахслар)	350	—
Беморларнинг ёши (йил)	45–65	—
Ўртача ёш ($M \pm SD$)	$55,4 \pm 6,8$	—

Тадқиқотга киритиш мезонлари сифатида сурункали юрак етишмовчилигининг клиник белгилари мавжудлиги, беморнинг тадқиқотда қатнашишга розилиги ҳамда стандарт клиник



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

текширувларни тўлиқ ўтказиш имконияти ҳисобга олинди. Тадқиқотдан чиқариш мезонлари сифатида ўткир миокард инфарктининг эрта даври, ўткир юрак етишмовчилиги, оғир инфекцион касалликлар, онкологик касалликлар ва руҳий ҳолатнинг сўровномаларни мустақил тўлдиришга имкон бермаслиги қабул қилинди.

Барча беморларда умумклиник текширув ўтказилиб, шикоятлар, анамнез маълумотлари, объектив кўрик натижалари ва қўшимча текширувлар баҳоланди. Артериал босим кўрсаткичлари стандарт усулда ўлчанди, юрак уриш частотаси ва антропометрик кўрсаткичлар аниқланди.

Сурункали юрак етишмовчилигининг функционал синфи Нью-Йорк кардиологлар ассоциацияси (NYHA) таснифи бўйича баҳоланди. Бунда беморларнинг кундалик жисмоний фаолликка бўлган толерантлиги, юклама пайтида ва тинч ҳолатда кузатиладиган клиник симптомлар, жумладан ҳансираш, тез чарчаш ва юрак уриши ҳисси ҳисобга олинди.

Беморларнинг ҳаёт сифатини баҳолаш мақсадида Миннесота университети томонидан ишлаб чиқилган «Minnesota Living with Heart Failure Questionnaire» (MLHFQ) сўровномасидан фойдаланилди. Ушбу сўровнома сурункали юрак етишмовчилиги билан оғриган беморларда ҳаёт сифатини баҳолаш учун халқаро миқёсда кенг қўлланиладиган махсус инструмент ҳисобланади. Сўровнома 15 та саволдан иборат бўлиб, касалликнинг беморнинг жисмоний, эмоционал ва ижтимоий ҳаётига таъсир даражасини аниқлаш имконини беради. Баллар йиғиндиси қанчалик юқори бўлса, ҳаёт сифати шунчалик паст деб баҳоланди.

СЎРОВНОМАСИ

Йўриқнома: Қуйидаги саволлар сўнгги бир ой давомида сурункали юрак етишмовчилиги Сизнинг ҳаётингизга қай даражада таъсир қилганлигини баҳолаш учун мўлжалланган. Ҳар бир савол бўйича тегишли жавобни белгиланг.

Баҳолаш мезони:

- 0 балл – умуман таъсир қилмаган
- 1 балл – жуда кам таъсир қилган
- 2 балл – бироз таъсир қилган
- 3 балл – ўртача таъсир қилган
- 4 балл – сезиларли таъсир қилган
- 5 балл – жуда кучли таъсир қилган

№	Савол	0	1	2	3	4	5
1	Юрганда ёки жисмоний фаоллик вақтида ҳансираш кузатиладими?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
2	Зинадан чиқишда кийналасизми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
3	Тез чарчаш ҳисси Сизни безовта қиладими?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
4	Кундалик ишларингизни бажариш қобилиятингиз чекланганми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
5	Дам олишга эҳтиёжингиз аввалгидан кўпроқми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
6	Юрак уришининг тезлашиши ёки нотўғри уриши Сизни безовта қиладими?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
7	Оёқларда шиш пайдо бўлиши кузатиладими?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
8	Юриш масофангиз қисқарганини сезганмисиз?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
9	Иш фаолиятингиз ёки кундалик меҳнат қобилиятингиз пасайганми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
10	Оила аъзоларининг ёрдамига муҳтожлигингиз ортганми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

11	Ижтимоий фаоллигингиз (меҳмонга бориш, йиғинларда қатнашиш ва бошқалар) чекланганми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
12	Касаллик Сизда хавотир ёки руҳий безовталиқ чақирганми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
13	Уйқу сифати ёмонлашганми?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
14	Даволаниш ва доимий дори қабул қилиш Сизга ноқулайлиқ туғдирадими?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>
15	Умуман олганда, сурункали юрак етишмовчилиги ҳаёт сифатиингизга қай даражада таъсир қилмоқда?	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>

Натижаларни баҳолаш

Барча саволлар бўйича баллар йиғиндиси ҳисобланади.

Умумий балл	Ҳаёт сифати баҳоси
0–15	Яхши
16–30	Қониқарли
31–50	Ўртача пасайган
51–75	Сезиларли даражада пасайган

Изоҳ: Баллар йиғиндиси қанчалик юқори бўлса, сурункали юрак етишмовчилигининг бемор ҳаёт сифатига салбий таъсири шунчалик юқори деб баҳоланади.

Жисмоний фаоллик ва юкламага бўлган толерантликни баҳолаш мақсадида олти дақиқалик юриш синови (6-minute walk test) ўтказилди. Синов Самарқанд шаҳридаги учта оилавий поликлиника ҳудудида, халқаро тавсияларга мувофиқ равишда амалга оширилди. Текширув вақтида беморлар 6 дақиқа давомида ўзлари учун қулай бўлган максимал тезликда юришди ва босиб ўтилган масофа метрларда қайд этилди. Олти дақиқалик юриш синови натижалари беморларнинг функционал ҳолати ва юрак етишмовчилиги оғирлигини баҳолаш учун қўшимча мезон сифатида қабул қилинди.

Жадвал. 2. Тадқиқотда қўлланилган текширув усуллари

Текширув усули	Мақсади
Клиник текширув	Шикоятлар, анамнез ва объектив ҳолатни баҳолаш
NYHA таснифи	СЮЕ функционал синфини аниқлаш
Minnesota Living with Heart Failure Questionnaire (MLHFQ)	Ҳаёт сифатини баҳолаш
Олти дақиқалик юриш синови	Жисмоний фаоллик ва функционал ҳолатни баҳолаш
Электрокардиография (ЭКГ)	Ритм ва ўтказувчанлик бузилишларини аниқлаш
Эхокардиография (ЭхоКГ)	Юракнинг морфологик ва функционал ҳолатини баҳолаш
Статистик таҳлил	Олинган маълумотларни математик қайта ишлаш



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

Барча иштирокчиларда юрак-қон томир тизимининг функционал ҳолатини баҳолаш мақсадида стандарт 12 та ўтказгичли электрокардиография (ЭКГ) текшируви ўтказилди. Электрокардиографик таҳлил Америка электрокардиография жамияти тавсиялари асосида амалга оширилди. ЭКГ ёрдамида ритм ва ўтказувчанлик бузилишлари, миокард гипертрофияси белгилари, ишемик ўзгаришлар ва бошқа электрофизиологик кўрсаткичлар баҳоланди.

Юракнинг морфофункционал ҳолатини ўрганиш учун барча беморларда эхокардиографик текширув (ЭхоКГ) амалга оширилди. Текширув давомида чап қоринча деворлари қалинлиги, юрак бўшлиқларининг ўлчамлари, чап қоринчанинг чиқариш фракцияси, миокард гипертрофияси даражаси, дилатация белгилари ҳамда систолик ва диастолик функция кўрсаткичлари баҳоланди. Чап қоринча чиқариш фракцияси Симпсон усули бўйича ҳисобланди.

Олинган маълумотларга статистик ишлов бериш замонавий биостатистик усуллар ёрдамида амалга оширилди. Кўрсаткичларнинг ўртача қиймати (M), стандарт оғиш (SD), нисбий кўрсаткичлар (%) ҳисоблаб чиқилди. Гуруҳлар ўртасидаги фарқларни баҳолашда параметрик ва нопараметрик статистик усуллар қўлланилди. Фарқлар $p < 0,05$ бўлган ҳолатда статистик жиҳатдан ишончли деб қабул қилинди.

Тадқиқот натижалари

Тадқиқотга сурункали юрак етишмовчилигининг (СЮЕ) турли оғирлик даражаларига эга бўлган жами 371 нафар бемор жалб қилинди. Беморларнинг функционал ҳолати Нью-Йорк кардиологлар ассоциацияси (НУНА) таснифи асосида баҳоланди.

Жадвал. 3. Тадқиқотга жалб қилинган беморларнинг НУНА бўйича функционал синфларга тақсимланиши

Функционал синф (НУНА)	Беморлар сони (n)	Улуши (%)
I ФС	66	17,8
II ФС	198	53,4
III ФС	87	23,5
IV ФС	20	5,4
Жами	371	100,0

Таҳлил натижаларига кўра, 66 нафар (17,8%) беморда I функционал синф, 198 нафар (53,4%) беморда II функционал синф, 87 нафар (23,5%) беморда III функционал синф ва 20 нафар (5,4%) беморда IV функционал синф аниқланди. Шу тариха, кузатувдаги беморларнинг асосий қисмини II ва III функционал синфга мансуб беморлар ташкил қилди, бу эса тадқиқот популяциясида клиник жиҳатдан намоён бўлган ва ўртача оғирликдаги СЮЕ ҳолатлари устунлик қилишини кўрсатади.

Миннесота сўровномаси ёрдамида баҳоланган ҳаёт сифати кўрсаткичлари таҳлили СЮЕ билан оғриган беморларда ҳаёт сифати сезиларли даражада пасайганлигини кўрсатди. Функционал синф ошган сари беморларнинг жисмоний фаоллиги, меҳнат қобилияти ва ижтимоий мослашув даражаси изчил равишда ёмонлашиб бориши кузатилди. I функционал синфдаги беморлар асосан кундалик фаолиятни мустақил бажара олган бўлсалар, III–IV функционал синфдаги беморларда ҳатто енгил жисмоний ҳаракатлар ҳам ҳансираш, тез чарчаш ва умумий ҳолсизлик билан кечди.

Тадқиқот гуруҳи таркибига юрак ишемик касаллиги, артериал гипертензия ва кардиомиопатия фониди шаклланган СЮЕ ҳолатлари киритилганлиги сабабли ҳаёт сифати кўрсаткичлари асосий касаллик этиологиясига кўра ҳам таҳлил қилинди.



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

Жадвал. 4. Сурункали юрак етишмовчилиги билан оғриган беморларда ҳаёт сифатига таъсир этувчи асосий омиллар

Кўрсаткич	Таъсир даражаси
Жисмоний фаолликнинг чекланиши	Юқори
Ҳансираш	Юқори
Тез чарчаш	Юқори
Юриш қобилиятининг пасайиши	Юқори
Кундалик ишлар бажарилишининг чекланиши	Юқори
Ижтимоий фаолликнинг камайиши	Ўртача
Руҳий тушкунлик ва хавотир	Ўртача
Даволашнинг ноҳўя таъсирлари	Паст
Дори қабул қилиш билан боғлиқ ноқулайликлар	Паст

Изоҳ: Миннесота сўровномаси натижаларига кўра, ҳаёт сифати ёмонлашининг асосий сабаблари жисмоний ҳолат билан боғлиқ омиллар бўлиб, беморларни энг кўп хансираш, тез чарчаш ва жисмоний фаолликнинг чекланиши безовта қилган.

Натижалар шуни кўрсатдики, бир хил функционал синф доирасида ҳаёт сифати кўрсаткичлари турли этиологик гуруҳларда деярли бир хил бўлган. Бу ҳолат ҳаёт сифатига таъсир этувчи асосий омил СЮЕнинг оғирлик даражаси эканлигини кўрсатади.

Миннесота сўровномасининг алоҳида бандлари бўйича жавоблар таҳлил қилинганда, беморларни энг кўп безовта қилган омиллар жисмоний фаолликнинг чекланиши, тез чарчаш ва хансираш билан боғлиқ бўлган саволлар эканлиги аниқланди. Беморларнинг аксарияти кундалик фаолиятни бажариш, узоқ масофага юриш, зинадан чиқиш ва уй ишларини бажаришда қийинчиликларга дуч келишларини қайд этганлар. Шу билан бирга, эмоционал ҳолат билан боғлиқ кўрсаткичлар, жумладан хавотир, тушкунлик ва келажақдан хавфсираш ҳолатлари ҳам маълум даражада кузатилган бўлса-да, уларнинг аҳамияти жисмоний чекланишларга нисбатан пастроқ бўлган.

Тадқиқот натижалари СЮЕ беморларида ҳаёт сифатига оид барча соҳалар — жисмоний, эмоционал ва ижтимоий компонентлар зарарланишини кўрсатди. Бироқ ҳаёт сифатининг энг катта ёмонлашуви жисмоний компонент ҳисобига кузатилди. Беморлар ўз ҳолатларини баҳолашда асосан юриш қобилиятининг чекланиши, кундалик фаолиятнинг пасайиши ва тез чарчашни асосий муаммо сифатида қайд этдилар. Даволаш билан боғлиқ ноқулайликлар ва дори воситаларининг ноҳўя таъсирлари эса ҳаёт сифатига таъсир қилувчи омиллар ичида нисбатан паст аҳамият касб этди.

Жисмоний фаоллик даражасини баҳолаш мақсадида ўтказилган олти дақиқалик юриш синови натижалари ҳаёт сифати кўрсаткичлари билан узвий боғлиқ эканлигини кўрсатди. Синов натижалари таҳлилига кўра, босиб ўтилган масофа қисқарган сари беморларнинг ҳаёт сифати кўрсаткичлари ҳам ёмонлашиб борган. Айниқса, III ва IV функционал синфдаги беморларда юриш масофаси сезиларли даражада қисқарган бўлиб, бу уларнинг кундалик ҳаётдаги мустақиллигини чеклаган.

Корреляцион таҳлил натижалари жисмоний юкламага толерантлик ҳаёт сифатининг мустақил предиктори эканлигини кўрсатди. Жисмоний юкламага чидамлик қанчалик паст бўлса, ҳаёт сифати кўрсаткичлари шунчалик ёмон бўлган ва функционал синф юқорироқ аниқланган. Демак, олти дақиқалик юриш синови нафақат функционал ҳолатни баҳолаш, балки беморнинг ҳаёт сифати ва касаллик прогрессиясини прогноз қилиш учун ҳам муҳим клиник аҳамиятга эга.



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

Олти дақиқалик юриш синовининг яна бир муҳим афзаллиги унинг соддалиги ва иқтисодий жиҳатдан самарадорлиги ҳисобланади. Мазкур синов махсус қиммат усқуналарни талаб қилмайди, амбулатор шароитда осон ўтказилади ва ҳатто оғир даражадаги СЮЕ билан оғриган беморларда ҳам қўллаш мумкин. Шу боис ушбу тестни СЮЕ билан оғриган беморларни динамик кузатиш ва даволаш самарадорлигини баҳолашда кенг қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шундай қилиб, тадқиқот натижалари сурункали юрак етишмовчилигининг функционал синфи ортиши билан беморлар ҳаёт сифати изчил равишда ёмонлашиб боришини кўрсатди. Ҳаёт сифати пасайишининг асосий сабаби жисмоний фаолликнинг чекланиши ва жисмоний юкламага толерантликнинг камайиши билан боғлиқ бўлиб, олти дақиқалик юриш синови мазкур ўзгаришларни баҳолашда муҳим ва ишончли усул эканлиги тасдиқланди.

Хулоса

1. Сурункали юрак етишмовчилиги билан оғриган беморларда ҳаёт сифати функционал синф ошиши билан босқичма-босқич ёмонлашиб бориши аниқланди. NYHA бўйича III–IV функционал синфли беморларда ҳаёт сифати кўрсаткичлари I–II функционал синфли беморларга нисбатан анча паст бўлди.

2. Ҳаёт сифатига энг катта салбий таъсир кўрсатувчи омиллар жисмоний фаолликнинг чекланиши, ҳансираш, тез чарчаш ва жисмоний юкламага толерантликнинг пасайиши бўлди.

3. Олти дақиқалик юриш синови натижалари ҳаёт сифати билан яқин боғлиқ бўлиб, жисмоний юкламага чидамлилиқнинг пасайиши СЮЕ оғирлашиши ва ҳаёт сифати ёмонлашиши билан бирга кечди.

4. Юрак ишемик касаллиги, артериал гипертензия ва кардиомиопатия фонидида ривожланган СЮЕда бир хил функционал синф доирасида ҳаёт сифати кўрсаткичлари ўртасида сезиларли фарқ аниқланмади.

5. Ҳаёт сифатини баҳолаш СЮЕнинг оғирлик даражасини аниқлаш, беморнинг функционал ҳолатини баҳолаш ва даволаш самарадорлигини мониторинг мониторинг қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Адабиётлар:

1. **World Health Organization.** Cardiovascular diseases (CVDs): Fact sheet. Geneva: WHO; 2023.
2. **European Society of Cardiology (ESC).** 2019 ESC Guidelines for the diagnosis and management of chronic coronary syndromes. *European Heart Journal.* 2020;41(3):407–477.
3. **Timmis A., et al.** ESC Atlas of Cardiology: cardiovascular disease statistics 2019. *European Heart Journal.* 2020;41(1):12–85.
4. **Rose G., Blackburn H.** Cardiovascular survey methods. 2nd ed. Geneva: WHO; 1982.
5. **Prineas R.J., Crow R.S., Zhang Z.M.** The Minnesota Code Manual of Electrocardiographic Findings. 2nd ed. London: Springer; 2010.
6. **Дедов И.И., Шестакова М.В.** Сердечно-сосудистые заболевания и сахарный диабет: эпидемиология и профилактика. *Терапевтический архив.* 2019;91(10):4–10.
7. **Аблакулова М., Абдухамидова Д.** Особенности стареющего организма и фармакотерапии в гериатрии // InterConf.–2020.
8. **Рахимова Х., Хакимова Л., Аблакулова ., Абдухамидова Д.** Современные аспекты по улучшению качества ведения больных с патологией эндокринных органов в условиях первичного звена медицинской помощи // Достижения науки и образования. 2019. №10 (51). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/sovremennye-aspekty-po-uluchsheniyu-kachestva-vedeniya-bolnyh-s-patologiyey-endokrinyh-organov-v-usloviyah-pervichnogo-zvena>



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

9. Аблакулова М., Хусинова., Юлдашова Н. Распространенность ишемической болезни сердца в городской неорганизованной популяции города Самарканда // JCRR. 2022. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/rasprostranennost-ishemicheskoy-bolezni-serdtsa-v-gorodskoy-neorganizovannoy-populyatsii-goroda-samarkanda.06.2026>).

